



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИКНОМА ПРОСПАН® ФОРТЕ

Препаратнинг савдо номи: Проспан® форте.

Дори шакли: вишилловчи таблетка.

Таркиби.

1 вишилловчи таблетка қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: печак баргларининг қуруқ экстракти [(5-7,5):1] (экстрагент: этанол 30% (м/м))
65 мг;

ёрдамчи моддалар: натрий гидрокарбонати, сувсиз лимон кислотаси, сувсиз натрий карбонати, маннит, симетикон, натрий сахарини, натрий цикламат, натрий цитрати, сорбит, ўргача занжирли триглицеридлар, макрогол глицеролгидроксистеарати, апельсин ароматизатори.

Таърифи: Мармарсимон доғли жигарранг, бўлувчи рискали думалок таблеткалар. Эритилганда ширин апельсин таъмли, сарғимтир-яшил рангли бироз тусланувчи эритма хосил бўлади.

Фармакотерапевтик гуруҳи: Балғам кўчирувчи восита.

Код АТХ: R05CA.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Препаратнинг бронхолитик хусусияти клиник илмий тадқиқотларда қайд этилди. Спазмолитик хусусияти хайвонлардаги тажрибада кўрсатилди. Препаратнинг балғам кўчирувчи хусусияти унинг ошқозон шиллик қаватини рағбанлантиришида бронхиал шиллик қавати безларини рефлектор рағбанлантириши парасимптоматик сенсор толалари оркали асосланган.

Иммуногистохимик ва биофизик “*in vitro*” илмий тадқиқотлари, ва β_2 -ретсепторларни интернализацияланишини α -гедерин билан ингибиция қилиниши маълум қилинди. Эпителия II тури альвеоляр хужайрали учун ҳам уларни юқори рағбатлантириш шароитида бу жараён кетади.

Фармакокинетикаси

Маълумотлар йўқ.

Қўлланилиши

Бронханинг сурунқали яллиғланиш белгиларини камайтириш учун; нафас йўлларининг ўткир яллиғланиши, йўтал билан кечадиган симптомларни камайтириш учун қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталар ва 12 ёшдан ошган болаларга 1 таблеткадан эрталаб ва ½ таблеткадан кечкурун (97,5 мг печак баргларининг қуруқ экстракти кунига тоғри келади); 6 ёшдан 12 ёшгача болган болаларга ½ таблеткадан (печак баргларининг қуруқ экстракти 65 мг кунига тоғри келади) кунига 2 марта.

Таблеткаларни иккига бўлиб қабул қилиш мумкин.

Таблеткалар эрталаб ва кечкурун қабул қилинади, қабул қилишдан олдин таблеткаларни сувда (тахминан 100-200 мл сувда) эритиш лозим. Таблеткаларни эритиш учун ҳам иссик, ҳам совуқ сувни ишлатиш мумкин.

Даволаш курси симптомларнинг характери ва оғирлигига боғлиқ бўлиб, одатда бир хафта давом этади.

Симптомлар бир хафтадан ортик баргараф этилмаса шифокорга мурожат қилиш тавсия этилади.

Ножўя таъсирлари

Жуда кўп холларда: ($\geq 1/10$)

Кўпинча: ($\geq 1/100 - < 1/10$)

Баъзан: ($\geq 1/1,000 - < 1/100$)

Кам холларда: ($\geq 1/10,000 - < 1/1,000$)

Жуда кам холларда: ($< 1/10,000$)

Номаълум: (берилган маълумотларга асосан такрорийлигини аниқлаш мумкин эмас)

Ушбу печак сақловчи воситасини қабул қилгандан кейин жуда кам холларда хансираш, шиш, терини қизариши ёки кичишиш каби аллергик реакциялар бўлиши мумкин.

Кам холларда юқори сезувчан бўлган пациентларда кўнгил айнаши, қусиши ва диарея каби меъдатичак бизилишлари кузатилиши мумкин.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Препаратнинг фаол моддасига ёки компонентларига юқори сезувчанлик.

Фруктозани ўзлаштираомаслик холларида даволаниш фақат шифокор маслаҳати билан ўтказилиши зарур.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Дориларнинг ўзаро таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган. номаълум. Ҳозирги вақтгача дориларнинг ўзаро таъсири маълум эмас.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни 6 ёшгача бўлган болаларга қўллаш мумкин эмас.

Ҳар бир вишилловчи таблетка 6,58 ммоль (ёки 151,33) натрий сақлайди.

Буни натрий чекланган (натрийнинг миқдори кам/ош тузининг миқдори кам бўлган) пархезида бўлган пациентлар инобатга олишлари керак.

Таблетка Проспан® форте таркибидаги ароматизатор лактоза сақлайди (1 таблеткада 29,7 мг). Кам учрайдиган ирсий галактозани ўзлаштираолмаслиги билан, лактозани етишмовчилиги билан ёки глюкоза-галактозали мальабсорбацияси синдроми билан бўлган беморларга препарат қабул қилиш мумкин эмас.

1 вижжиллайдиган таблетка 382 мг углеводлар сақлайди (0,03 НБ) тоғри келади.

Эслатма:

Беморнинг ҳолати яшлинамаса, иситма, нафас қисилиши, йирингли ёки қон аралашган балғам ажралиши кузатилса зудлик билан шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Ҳомиладорлик ва лактация вақтида қўлланилиши.

Препаратнинг ҳомиладорлик ва лактация вақтида қўлланилиши мумкин эмас, тадқиқотларнинг етарли эмаслиги сабабли.

Автотранспортни бошқариш ва бошқа механизмлар билан ишлашда тезлик реакцияси қобилиятига таъсири.

Таъсир қилмайди.

Дозани ошириб юборилиши

Кундалик буюрилган дозани ошириш тавсия этилмайди. Кундалик буюрилган дозани аҳамиятли даражада ошириб (3 мартадан ортик) қабул қилиш кўнгил айнаши, қусиш ва диареяни чақиритиши мумкин. Доза ошириб юборилганда симптомтик даволаш ўтказилади.

Чиқарилиш шакли

1 та таблеткадан сашеда, 2 та саше перфорация қилинган стрипга бириктирилган;

5 стрипдан тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан бирга картон кутида.

Сақлаш шароити

25°C юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.
Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлик муддати

3 йил.
Яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

Энгельгард Арцнаймиттель ГмбХ & Ко. КГ,
Херцбергштрассе 3, 61138 Нидердорфельден, Германия.

Эксклюзив вакили

Альпен Фарма АГ, Берн, Швейцария.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларнинг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар)ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

МЧЖ “France Pharma”

Ўзбекистон, 100041, Тошкент ш., М. Улугбек тумани, Навнихол кўч. 86

Тел.: +99871 2309193

E-mail: infopharmaff@gmail.com